

**«МАҲАЛЛА ВА ОИЛА» ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.21/30.10.2020.Ped/S.127.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МИРЗАҲМЕДОВ ХУРШИД АБДИРАШИДОВИЧ

**ЁШЛАРНИНГ ТОЛЕРАНТЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ**

22.00.02 - Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

УЎК: 316.647.5:316.72: 316.34: 316.472: 316.75

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
социологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor Philosophy (PhD) on sociological
Sciences**

Мирзахмедов Хуршид Абдирашидович

Ёшларнинг толерантлик маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг
социологик таҳлили.....3

Мирзахмедов Хуршид Абдирашидович

Социологический анализ формирования и развития культуры толерантности
молодежи.....26

Mirzakhmedov Khurshid Abdirashidovich

Sociological analysis of the formation and development of a culture of youth
tolerance.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....53

**«МАҲАЛЛА ВА ОИЛА» ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.21/30.10.2020.Ped/S.127.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МИРЗАҲМЕДОВ ХУРШИД АБДИРАШИДОВИЧ

**ЁШЛАРНИНГ ТОЛЕРАНТЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ**

22.00.02 - Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/S36 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.moiti.uz), «Ziynet» Ахборот таълим портали (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Умаров Абсалом Адирович**
социология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Матибаев Таспулат Балтабаевич**
социология фанлари доктори, профессор

Жиянмуратова Гулноз Шербутаевна
фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот: **«Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик**
фикрини ўрганиш маркази

Диссертация ҳимояси Маҳалла ва оила илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги PhD.21/30.10.2020.Ped/S.127.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Яшнабод тумани, Истикбол кўчаси 51-уй. Тел.: (71) 267-05-36, факс: (71) 267-03-92; E-mail: mvaointi@exat.uz, mvaointi@gmail.com; Web-sayt: www.moiti.uz

Диссертация билан «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (__ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Яшнабод тумани, Истикбол кўчаси 51-уй. Тел.: (71) 267-05-36, факс: (71) 267-03-92; E-mail: mvaointi@exat.uz, mvaointi@gmail.com; Web-sayt: www.moiti.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)



Н. М. Эгамбердиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

Х. У. Абдусаматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, психология фанлари бўйича фалсафа доктори

Ш. М. Содикова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, социология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё ижтимоий-иқтисодий ва маданий манзарасидаги жиддий трансформация жараёнлари жамият ҳаётининг барча соҳаларига таъсир кўрсатиб, анъанавийлик ва замонавийликнинг зиддиятлари ёшларнинг хатти-ҳаракати, феъл-атвори ва ижтимоий ҳаётларида намоён бўлмоқда. Маълумотларга кўра, «Бугунги дунёда 15 ёшдан 24 ёшгача бўлган ёшлар дунё аҳолисининг 1,2 миллиард яъни 16 фоизини ташкил қилади. БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича ёшлар сони 7 фоизга кўпайиши, қарийб 1,3 миллиард кишига етиши тахмин қилинмоқда»¹. Бу ёшлар ахлоқидаги интолерантлик, худбинлик, девиантлик, бегоналашув ва жиззакилик каби ижтимоий таҳдидларга қарши толерантлик маданияти барқарорликнинг таъминланишида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳоннинг йирик илмий тадқиқот марказларида ёшларнинг ижтимоий муаммолари борасида бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ёшлар тарбияси, дунёқараши, мўлжали, мақсади, турмуш тарзи ва уларнинг ҳар томонлама мукамал шахс бўлишида ёшлар ривожланиш индекси, «таълим даражаси», «соғлиқ ва фаровонлик», «иш билан таъминлаш ва имкониятлар», «фуқаролар фаоллиги» ривожланиши мониторинги, глобал ёшлар фаровонлиги индексида «гендер тенглиги», «иқтисодий имконият», «таълим», «соғлиқни сақлаш», «фуқароларнинг иштироки», «хавфсизлик ва тартиб», «ахборот-коммуникация технологиялари», ёшлар тараққиёти индексида «ёшларнинг эҳтиёжи», «фаровонлик» ва «имкониятлар», ёшларга барқарор ва инклюзив ижтимоий ҳаёт даражасини таъминлаш, уларга ўзини намоёйиш этишда ёрдам бериш заруратини илгари сурмоқда.

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимидаги амалга оширилаётган ислохотлар ёшларнинг турмуш тарзи, эътиқоди, хулқ-атвори, ғоялари, мақсади, мўлжали, қарашлари, қизиқиш-машғулотларида толерантлик маданиятининг шакллантириш ва ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда. «Илм-маърифат ва касб-хунарга интилиш, оилани муқаддас билиш, маънавий поклик, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, эзгу қадриятларга садоқат каби фазилатлар азалдан халқимиз ва миллатимизнинг қонида бўлиб келган. Шу ўринда, мен ҳурматли ота-оналар, боболаримиз ва момоларимизни, жонкуяр устоз ва мураббийларни, муҳтарам зиёлиларимиз, кенг жамоатчилигимизни бу масалага бефарқ бўлмасдан, ёшлар тарбиясига қаратилган ишларимизни янада кучайтиришга даъват этаман»². Шу боисдан ҳам ёшлар таълим-тарбияси мамлакат келажаги билан боғлиқ бўлиб, ёшлар ахлоқида меҳр-шафқатли, вазминли, мўътадилли, ҳурмат ҳамда кечиримли, сабр-тоқатли ва муроса-мадора бўлиш фазилатларини шакллантириш учун тизимли тадқиқотлар олиб бориш илмий-амалий аҳамият касб этади.

¹ Молодежь – URL: <https://www.un.org/ru/global-issues/youth> (Мурожаат санаси: 12. 02. 2021).

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқи // https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-ozbekiston-yoshlari-forumida-sozlagan-nutqi_197662 (Мурожаат санаси: 12. 02. 2021).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи фаолиятини қўллаб қувватлаш тўғрисида», 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 18 февралдаги ПҚ-4602-сон «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мавзуга оид ўзга меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларнинг ижросини таъминлашда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Толерантлик муаммолари фуқаролик жамиятининг кадрияти сифатида Қадимги Юнон-Рим (Арасту, Лукреций Кар, Квинт Тертуллиан, Платон), Хитой (Конфуций), кейинчалик Марказий Осиёлик (Имом ал-Бухорий, Абу Наср Форобий, Алишер Навоий, Юсуф Хос Ҳожиб) мутафаккирларнинг ижтимоий-маънавий қарашларида ўз ифодасини топган. Ўлкамиз миллий-диний фалсафий тафаккурида толерантлик маданияти кадрият бўлиб, ижтимоий толерантлик «сабр-тоқат» ва «муросою мадора» нуқтаи назаридан илгари сурилганлигини кузатиш мумкин³.

Хорижий олимлар Ж. Локк, Э. Дюркгейм, Д. Траси, О. Конт Ф.Волтер, Т.Парсонсларнинг илмий тадқиқотларида ёшларнинг толерантлик феъл-атвори асосий мавзулардан бири бўлиб келган⁴. Шу билан бирга, Э. Гидденс, М. Уолцер ва М. Мчедлов⁵ каби олимларнинг тадқиқотларида толерантликнинг ёшлардаги ижтимоий-ахлоқий феъл-атворида намоён бўлиши, тенглик, эркинлик тушунчаларини ўзаро боғлиқлиги ўрганилган. Шунингдек, С. Холл, Ф.Тенбрук, Г.Шелский, М.Мид каби олимлар ёшларнинг

³Шайх Мухаммадсодық Мухаммад Юсуф. Вассатия – путь к жизни. – Ташкент: Hilol-nashr, 2014; Каримова Э. Г. Ўзбек толерантлигининг этнорегионал хусусиятларини социологик ўрганиш. соц. фан. номз. дисс. – Тошкент: 2003; Мургазаева Р. Х. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва толерантлик. ўқув қўлланма. – Тошкент: Университет, 2007; Хажиева М. Ўзбекистонда толерантлик жараёни. – Тошкент: АБУ МАТВУОТ–KONSALT, 2008; Кушаев У. Р. Жаҳон динларида бағрикенглик ғоялари. фалс. фан. докт. дисс. – Тошкент. 2017.

⁴ Локк Дж. Опыт о веротерпимости // Сочинения: В 3-х томах. Т.3 / Ред. и сост., авт. примеч. А.Л. Субботин. – Москва: Мысль, 1988; Дюркгейм Э. Социология. Её предмет, метод, предназначение / Пер. с фр., сост., послесл. и прим. А. Б. Гофмана. – Москва: Канон, 1995; Вольтер Ф. М. Трактат о терпимости. – Москва, 2016; Parsons T., & Bales, R. F. Family, socialization and interaction process. – New York: Free Press, 1955;

⁵ Гидденс Э. Социология. – Тошкент: Шарқ, 2002; Уолцер М. О терпимости / Пер. с англ. И. Мюрнберг. – Москва: Идея-Пресс, 2000; Мчедлов М. П. Толерантность. – Москва: Республика, 2004.

ижтимоий толерантлиги ўзгаларга лояллик, нейтраллик (бефарқлик) контекстидаги ёндашувни кузатиш мумкин. Жумладан, С. Холл ёшлик шахснинг «иккинчи бора туғилиши»га жараён сифатида сабр-тоқатнинг социал меъёр сифатида таърифлаган⁶. Зеро, ёшларнинг ижтимоий қатлам стратасидаги мақоми ўзаро ҳамкорлик, келишув, низо ва можароларда диалог каби толерантлик социологияси МДХ давлатлари олимлари А. Асмолов, М. Мчедлов, С. Бондирева, Д. Колесов, В. Лекторский, М. Хомяков, Д. Абдуразақоваларнинг илмий тадқиқотларида ҳам учратиш мумкин⁷.

Мамлакатимиз олимлари М. Бекмуродов, Р. Убайдуллаева, А. Умаров, А. Холбеков, Ш. Содиқова, Т. Матибаев, Н. Латипова, Э. Каримова, К. Калонов, С. Отамуратов, Р. Умурзакова⁸, С. Чиниева, Г. Юсупова, Г. Арипова ва Г. Кушақоваларнинг тадқиқотларида ёшларнинг оилавий муҳитда ижтимоий-маънавий тарбияси муаммонинг психологик ва педагогик қирралари тадқиқ этилган. Ёшлар толерантлигининг ижтимоий ҳолатлари М.Хайруллаев, Ж. Туленов, С.Шермухамедов ва А. Абдусамедовларнинг тадқиқотларида акс этган. Шу билан бирга, Т. Малик, Қ. Назаров, З. Қодирова, Б. Исоқов, А.Турсун, А.Абдулазизов каби мутахассисларнинг монографик ва диссертация тадқиқотларида ҳам муайян жиҳатлари илмий ёритилган⁹. Шу билан бирга, толерантликнинг диний жиҳат ва хусусиятлари М. Хаджиева, А.Мирзахмедов, У. Кушаевлар томонидан бағрикенглик маданиятига оид диссертацион тадқиқотлар доирасида ўрганилган¹⁰.

⁶ Мазкур рўйхатдаги манбалар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

⁷ Асмолов А. Г. На пути к толерантному сознанию. – Москва: Смысл, – 2000; Мчедлов М. П. Толерантность. – Москва: Республика, 2004; Бондырева С. К., Колесов Д. В. Толерантность (введение в проблему). – Москва-Воронеж: Издательская группа Московского психолого-социального института; НПО «МОДЭК», 2003; Лекторский В. А. О толерантности, плюрализме и критицизме // Вопросы философии. – 1997. – № 11; Хомяков М. Б. Проблема толерантности в христианской философии. Дисс. на соиск. уч. степ. докт. фил. наук. – Екатеринбург: УралГУ, 2000; Абдуразақова Д. М. Теоретико-методологические основы деятельности учреждений культуры и образования в развитии толерантного сознания молодежи многонационального региона. Автореферат дисс. на соиск. уч. ст. докт. пед. наук. – Москва: 2009.

⁸ Бекмуродов М. Ўзбек менталитети. Тошкент: Info Capital Group, 2011; Убайдуллаева Р. Т. Из опыта социологического исследования национального менталитета молодежи // Ижтимоий тадқиқотлар. – 2019. – №4; Умаров А. А. Ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли. – Соц. фан. докт. дисс. – Тошкент: ТошДМИ, 2005; Холбеков А., Идилов У. Социология (изоҳли луғат – маълумотнома) Тошкент: Тиббиёт, 1999; Содиқова Ш. М. Жамиятни модернизациялаш жараёнида кексаларни ижтимоий ҳимоялашнинг социологик таҳлили. – Соц. фан. докт. дисс. – Тошкент: ЎЗМУ, 2016; Матибаев Т.Б. Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг демократлашуви жараёнида ижтимоий ҳамкорлик тизимини ривожлантириш омили. Соц. фан. докт. (DSc) автореф. – Тошкент: 2017; Латипова Н. Ўзбекистонда оила ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш. Соц. фан. докт. (DSc) автореф. – Тошкент: 2020; Каримова Э. Г. Ўзбек толерантлигининг этнорегионал хусусиятларини социологик ўрганиш. Соц. фан. номз. диссертацияси. – Тошкент: 2003; Калонов К. К. Глобаллашув даврида миллий кадрларнинг трансформацияси // Ижтимоий тадқиқотлар. – 2019 – №4; Отамуратов С. Янгиланаётган Ўзбекистон ижтимоий-инновацион жараёнларида ёшлар фаолияти. – Т.: Fan va texnologiyalar, 2021; Умурзақова Р. А. Ўзбекистонда оила мустақамлигининг социал омили. Социал. фан. ном. дисс. – Тошкент: ЎЗМУ, 2006.

⁹ Хайруллаев М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти – Т.: 1994; Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси, Т.: 1997; Шермухамедов С. Философия человека – Т.: 2001; Абдусамедов А. И. Социальный прогресс и ислам. – Ташкент: Узбекистан, 1984; Малик Т. Одабийлик мулки. – Тошкент: Шарқ, 2019; Назаров Қ. Ғоялар фалсафаси – Т.: Академия, 2011; Қодирова З. Р. Толерантность: теория и практика. – Тошкент: Фан, 2005; Исоқов Б. Оила – жамиятнинг юраги. – Наманган: Наманган, 2018; Турсун А. Мустақам оила асослари. – Тошкент: Moʻravnahar, 2012; Абдулазизов А. Мутолаа маданиятини шакллантиришнинг социологик таҳлили. – Тошкент: Наврўз, 2016.

¹⁰ Хаджиева М. С. Миллий онгда толерантликни шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили. Фалс. фан. докт. дисс. автореф. – Тошкент: ТКТИ, 2008; Кушаев У. Р. Жаҳон динларида бағрикенглик ғоялари. Фалс.

Мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотларда толерантликнинг этнорегионал жиҳатлари тарихийлик, ижтимоий-ҳуқуқий контексти, миллий-диний хусусиятлари тадқиқ этилган бўлсада, бироқ глобал ахборотлашув шароитида ёшлар ҳаётининг виртуаллашуви, ижтимоий гендер толерантлиги, оилавий муносабатларнинг трансформацияси, яъни толерантликнинг миллий оилавий концепцияси, ёшлар орасидаги бегоналашув ва худбинликка қарши иммун муҳити сифатида қабул қилиниши, Янги Ўзбекистон ёшларининг толерантлик маданиятига оид комплекс даражадаги социологик тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган. Шу маънода тадқиқот давлатнинг оилага оид ижтимоий сиёсатида ёшларнинг маънавий маданиятида толерантликнинг қадриятлашувини ҳимоя концепцияси сифатида муҳокамага қўйган.

Диссертация мавзусининг олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2019-2021 йилларга мўлжалланган 561624-ЕРР. «Ўзбекистон олий таълими жараёнини модернизациялаш ва халқаролашувини ривожлантириш» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ёшларда толерантлик маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг социологик усул ҳамда воситаларини аниқлаш орқали илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

толерантлик тушунчаси, унинг генезиси ва шаклланиш тенденцияларини таҳлил қилиш;

ўзгараётган жамиятда ёшлар толерантлик маданияти шаклланишининг назарий ва амалий томонларини тавсифлаш;

ёшларда оилавий толерантлик маданиятини шакллантиришнинг ижтимоий-тарихий ва маданий жиҳатидан ўрганиш;

маҳаллада ёшларнинг ижтимоий-демографик, гендер толерантлигининг хусусиятлари тадқиқ этиш;

ёшларнинг толерантлик маданиятини ривожлантиришга доир ёндашувларини асослаш;

ёшларнинг ҳулқ-атворида толерантлик маданиятини таълим ва тарбия орқали ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини ёшларда толерантлик маданиятининг мавжуд ҳолати ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини ёшларнинг толерантлик маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда мантиқийлик, тизимлилик, кузатиш, сўровнома, интервью, қиёсий таҳлил, эксперт сўрови усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фан. докт. дисс. автореф. – Тошкент: ТИУ, 2017; Мирзахмедов А. Бағрикенглик маданияти диний экстремизмнинг олдини олиш сифатида. Фалс. фан. док. дисс. автореф. – Тошкент: ТХИА, 2020.

ёшлар ахлоқидаги интолерантлик (худбинлик, бегоналашув ва жиззакилик)ни олдини олишда толерантлик маданиятининг маънавий-ахлоқий чегараларини белгилашга доир ғарбона ҳуқуқий меъёр (лояллик ва нейтраллик) ва шарқона ахлоқий мезонлар (сабр-тоқат, бағрикенглик, мўътадиллик) асослантилган;

ёшларда оилавий толерантлик маданиятини шакллантиришда ижтимоий-тарихий ва маданий омилларнинг (оила анъаналари, никоҳ одоби, эмоционал барқарорлик, ўзликни англаш ва дунёқарашининг кенгайиши, шахслараро муносабат) аҳамияти очиб берилган;

ёшларнинг толерантлик маданиятини китобхонлик, театр санъати ва медиа воситалари орқали ривожлантиришда ижтимоий тармоқларда маърифий каналлар (аудио театр ва миллий ғоя фан канали) фаолиятини йўлга қўйишга оид виртуал ташкилий-тарбиявий функциялар (электрон маданият ва виртуал хулқ-атвор) ишлаб чиқилган;

ижтимоий-маданий фаолият орқали ёшларнинг ҳамжихатликка асосланган ижтимоий-демографик ҳамда гендер толерантлик маданиятининг шахс ижтимоий сифати (вазминлик, хайрихоҳлилик, муроса) ва хусусиятлари (етуклик, фаоллик, баркамоллик, ҳамдардлик) очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

толерантликнинг генезиси ва таркиб топиш хусусиятлари очиб берилган;

«ёшлар», «толерантлик», «толерантлик маданияти», «ижтимоий сабр», «толерант оила» тушунчалари илмий ўрганилиб, ўзаро боғлиқликда илмий-амалий тавсифланган;

ёшларда толерантлик маданияти шакллантиришга таъсир этувчи омиллар эмпирик таҳлил этилган;

ёшларда оилавий толерантлик маданиятини шакллантиришнинг ижтимоий-тарихий ва маданий омиллари таҳлил этилган;

маҳаллада ёшларнинг ижтимоий-демографик, гендер толерантлигининг хусусиятлари тадқиқ этилган;

ёшлар толерантлик маданиятини ривожлантиришга доир ёндашув ва муаммоларнинг бартараф этиш усуллари назарий ва амалий жиҳатидан асосланган;

тадқиқот мавзуси бўйича социологик тадқиқот сўровномаси ишлаб чиқилиб, амалиётда синаб кўрилган;

ёшларнинг феъл-атворида толерантлик маданиятини таълим ва тарбия орқали шакллантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Республика ва халқаро миқёсдаги илмий-назарий конференцияларда муҳокама қилинган, ОАК рўйхатидаги миллий ва хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, респондентлар билан ўтказилган сўровномалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилиши юзасидан мутасадди ташкилотлар томонидан тақдим этилган далолатномаларда тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ёшларда толерантлик маданиятини

шакллантириш ва ривожлантириш бўйича ёшлар, оила, маҳалла, таълим муассасалари фаолиятининг социологик таҳлил асосида олинган натижалар ушбу йўналишдаги ўқув ва методологик-услубий қўлланмаларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ёшларга оид давлат сиёсати ва униб ўсиб келаётган янги авлодларни ўй-фикри, мақсади, хохиш-истаги, мўлжалини ўрганиш, толерантлик ва интолерантлик ҳолатини социологик таҳлил қилиб бориш усулини жорий этишга бағишланган давлат ва нодавлат лойиҳаларни ишлаб чиқишга хизмат қилади. ОТМларда «Социология» фан дастурини токомиллаштириш, дарслик тайёрлаш ва ўқитишда фойдаланиш имконияти борлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Ёшларнинг толерантлик маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг социологик таҳлили» мавзуси бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

ёшлар ахлоқидаги интолерантлик (худбинлик, бегоналашув ва жиззакилик)ни олдини олишда толерантлик маданиятининг маънавий-ахлоқий чегараларини белгилашга доир ғарбона ҳуқуқий меъёр (лояллик ва нейтраллик) ва шарқона ахлоқий мезонлар (сабр-тоқат, бағрикенглик, мўътадиллик) асослантилганлигига оид маълумотлардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали ДУКнинг 2021 йил февраль ва март ойларидаги «Ўзбекистон ёшлари», «Таълим ва тараққиёт», «Миллат ва маънавият» кўрсатувларини самарали ташкил этишда, уларнинг дастур ва сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси 2021 йил 10 сентябрдаги 04-36-359-сонли далолатномаси). Натижада жамиятимиз ёшлари ахлоқида толерантлик маданиятини шаклланишига имкон берган;

ёшларда оилавий толерантлик маданиятини шакллантиришда ижтимоий-тарихий ва маданий омилларнинг (оила анъаналари, никоҳ одоби, эмоционал барқарорлик, ўзликни англаш ва дунёқарашининг кенгайиши, шахслараро муносабат) аҳамияти очиб берилганлигига оид диссертация маълумотларидан Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оила институтини қўллаб-қуватлаш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-92-сонли Қарор лойиҳасининг 2-бандини тайёрлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оила институтини қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2021 йил 6 ноябрдаги 02-02/2602-сонли далолатномаси). Натижада ёшларда оилавий толерантлик маданиятини шакллантиришда ижтимоий-маданий омилларни мустаҳкамлаш имкониятига эришилган;

ёшларнинг толерантлик маданиятини китобхонлик, театр санъати ва медиа воситалари орқали шакллантириш учун ижтимоий тармоқларда маърифий каналлар (аудио театр ва миллий ғоя фан канали) фаолиятини йўлга қўйишга оид виртуал ташкилий-тарбиявий функциялар ишлаб чиқилганлигига оид диссертация маълумотлардан Республика Маънавият ва маърифат маркази Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавий-

маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-5040-сонли Қарор лойиҳасининг 1-бандини тайёрлашда фойдаланилган. (Республика «Маънавият ва маърифат маркази»нинг 2021 йил 4 августдаги 02/08-890-сонли маълумотномаси). Натижада, ёшларда мутолаа ва китобхонлик, театр санъати орқали миллатлараро тотувлик ва миллий-диний толерантликни шакллантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берган;

ижтимоий-маданий фаолият орқали ёшларнинг ҳамжихатликка асосланган ижтимоий-демографик ҳамда гендер толерантлик маданиятининг шахс ижтимоий сифати (вазминлик, хайрихоҳлилик, муроса) ва хусусиятлари (етуклик, фаоллик, баркамоллик, ҳамдардлик) очиб берилганлигига оид маълумотлардан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси марказий кенгашининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастури ва партиянинг 2020 йилга мўлжалланган устувор йўналишлари бўйича иш режасида кенг фойдаланилган. (Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси марказий кенгаши, 2021 йил 31 майдаги 02/02-228-сонли далолатномаси). Натижада ёшларда толерантлик маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган асосий тушунчалар билан бойитишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг илмий натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманлари, 1 та Патент, 1 та мақола Олий таълим вазирлиги сайтыда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 14 та, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 6 та мақола, шундан 3 та хорижда, 7 та тезис, шундан 3 таси халқаро конференция, 1 та мақола хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалар ва социологик тадқиқот саволномасидан иборат. Диссертациянинг асосий қисми 144 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, устувор илмий тадқиқот йўналишларга мослиги, объект ва предмети аниқланган. Шу билан бирга, ишнинг илмий

янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, илмий натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга тадбиқ этилиши, илмий синовлари, диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **«Ёшларда толерантлик маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари»** номли биринчи боби ёшлар толерантлик маданиятининг мазмун-моҳияти, тадқиқот манбаларига таянган ҳолда назарий-амалий жиҳат ва хусусиятларига бағишланган.

Ўзбекистоннинг кўпмиллатли ва динли жамиятида давлатнинг ёшларга оид сиёсати «Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш» барқарор миллий тараққиёт ёшларнинг толерантлик маданиятини янада шакллантиришда ижтимоий ҳолат, орзу интилиш ва кайфиятида ижтимоий бегоналашув ва худбинлик феълидан тийилиш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, глобал ахборот жамиятида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ҳаётнинг барча соҳаларида трансформация жараёнлари миллий-маънавий кадриятларга таҳдид солади. Билъакс, юртимизда пандемиянинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари нафақат миллий-диний, балки ижтимоий-маданий муаммоларни ўткирлашуви билан оила-никоҳ, ота-она ва фарзанд, қариндош-уруғ муносабатларида низо ва можароларни ўсишида намоён бўлмоқда.

Тадқиқотчи ёшларнинг миллий-диний ахлоқий муносабатининг умуминсоний, миллий жиҳат ва хусусиятлари юзасидан ижтимоий фанлардаги турли-туман илмий ёндашувлар нуқтаи назаридан толерантликка қарашлар ёритилган. Жумладан, МДХ олимлари толерантлик (лот. *tolerantia* – сабр-тоқат), бағрикенглик – ўзгаларнинг ахлоқи, турмуш тарзи, одатлари, ҳис-туйғу, фикр-мулоҳаза, ғоя ва эътиқодларига тоқатли бўлиш билан бирга «бефарқлик», «нейтраллик», «чидамлилиқ» каби атамаларда қўллаш илмий ишда умуминсоний ҳуқуқий ва миллий ахлоқий жиҳатлари қиёсий гуруҳлаштирилган¹¹.


Бизнингча, толерантлик – дунё халқларининг ижтимоий-маънавий эҳтиёжи бўлиб, уларнинг бой маданиятлари хилма-хиллигига ҳурмат, мўътадилликни ҳис этиш ва тушуниш, ўзаро чидам, вазминли, сабр-тоқат ва муроса-мадора муносабатида бўлиш ҳисобланади. Толерантлик – ён бериш, кўрқоклик, андиша, хушомад эмас, балки конструктив ҳамкорлик ҳамда биргалик одобидир.

Замонавий илмий концепцияларда оила ва оилавий кадриятларга нисбатан бегоналашув ва лоқайдлик, жамият, шахс ва оила ҳаётида ота-она ва фарзандликнинг гармонияси, оила-никоҳнинг барқарорлиги муаммолари Ўзбекистон Президентининг БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида «Маърифат ва диний толерантлик» юзасидан махсус резолюция таклифи билан далилланади¹². Билъакс, Ғарбнинг глобал «инсон феномени» ижтимоий ўзгачалиқ ҳуқуқи асосида толерантлик шахснинг қиёфаси, миллий-диний, ирқий ҳолатига ўзгаларнинг сабр-тоқат меъёри, ҳатто норасмий ҳаракатларда

¹¹Мазкур рўйхатдаги манбалар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

¹²Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги «Маърифат ва диний толерантлик» мавзусидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2017 йил 20 сентябрь.

ахлоққа зид фаолиятни ҳуқуқий ниқоблаш кузатилмоқда. Айни вақтда сиёсий низо ва можароларда барчанинг фикр-мулоҳазаларини тинглаб, томонларнинг манфаатларига мос келишув санъати маъносидан оғиш ҳолатлари ҳам учрамоқда¹³. Республикамиз илмий жамоатчилиги атамани «диний бағрикенглик» мазмунида илмий муомалага киритган¹⁴. Бу ҳол илмий тадқиқотларда муаммонинг категориал аппаратини ишлаб чиқишда аниқлик, ижтимоий ечимларида баҳсга чорлайди. Диссертант, ўзбек халқи турмуш тарзида толерантлик ўзига хос миллий-диний маданиятининг ядроси, турмуш тарзининг ажралмас ахлоқи сифатида қиёсий толерантлик амалиётини амалга оширган¹⁵. Шу маънода, толерантлик оиланинг миллий-диний маданияти: Ғарб жамиятининг ҳуқуқий либераллиги ва Шарқнинг ахлоқий консерватив сабр-тоқати: мослик ва зидлик концепцияси тадқиқ этилган. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Парламенти толерантликка зид халқаро келишувларга қўшилмай, ўзбек миллий турмуш тарзига толерантлик ниқобидаги «Оммавий маданият» таҳдидини бартараф этди. Шу маънода толерантликнинг педагогик ёки ижтимоий намоён бўлиши бошланғич нуқта сифатида оилавий толерантликни тадқиқот предмети кун тартибига қўйилган¹⁶.



1-расм. Толерантлик маданияти тузилиши¹⁷

Муаллиф Оилавий толерантлик маданиятининг замонавийлик ва анъанавийлик таҳлилида ёшлар толерантлигининг сабр-тоқат, мурса таҳлилинини шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг «Оилавий толерантлик»ка ёндашуви шахснинг балоғати, қонуний никоҳ, рисоладаги эр ва хотинлик, ота-она, фарзандликнинг ахлоқ тарбияси каби миллий-диний ҳуқуқий меъёр, анъаналардаги бахтиёрлик ва толерантликнинг айнанлик маъноларига таянади. Ёшларнинг толерантлик ахлоқининг ривожлантириш оиланинг миллий-диний толерантлик тарбияси худбинлик ва ижтимоий

¹³ Политология: Энциклопедия. – М.: 1993. – С. 222; Философский словарь. – М.: 1997. – С. 89.

¹⁴ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон. 2001. – Б.59

¹⁵ Кушаев У., Дорошина И. Толерантность: энциклопедический словарь – Пенза, Социосфера, 2014, – 414 с; Мирзахмедов А. Толерантность и религиозный экстремизм – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2008. – 148 с.

¹⁶ Мазкур рўйхатдаги манба диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

¹⁷ Мазкур рўйхатдаги манба диссертациянинг илова қисмида келтирилган.

бегоналашувининг бартараф этиш масаласи ижтимоий-гуманитар фанларда яна бир бор тасдиқланди. Шу маънода оиланинг шаклланишида ота-онанинг илохий-ижтимоий функцияси, ёшларнинг феъл-атвори, кайфияти, ижтимоий мўлжал, юриш-туриши билан жамиятнинг ахлоқий «буйортма»сига мос шаклланиши ёритилган. Айни вақтда миллий-диний толерантлик ислом динининг «Вассатия» тамойилида «мўътадиллик», «ўртамиёналик» ахлоқи мазмунида ҳам жангарилик ва зўрликдан тийилиш каби фазилатни асослаган. Бу меъёрлар шахснинг қариндош-уруғлар билан бирга, ижтимоий алоқаларда фуқаролар билан «силаи раҳм» тамойили толерантликнинг ижтимоий маданияти сифатида таърифланган¹⁸. Дарҳақиқат, ўзбек халқи ахлоқида ҳосилдор тупроқ, серсув дарёлар бўйида оилавий деҳқончилик ила ерга ишлов бериш орқали тирикчилиги ижтимоий бирликнинг толерантлик негизидир. Иккинчидан, толерантлик оилавий миллий-диний одоб сифатида фарзанд тарбияси ҳамдир. Учинчидан, оилавий толерантлик оддий ва осон кўринсада, ижтимоий уюшма ва бирлашмаларга умумий масъулиятли вазифа эди¹⁹.

Ёшлар ахлоқидаги эмоционаллик, мобиллик моделининг шаклланиши ижтимоий жиҳат ва хусусиятларига «оммавий қадриятлар»нинг бадий-эстетик паст савияли маҳсулотлари сунъий жозибаси билан худбинлик ва зўрлик иллатларига тортади. Натижада уларнинг эмоционал-руҳиятида енгилтаклик «одат»и, миллий қадриятларга лоқайдлик, совуққонликни шакллантиради. Муаллиф ёшлар дидининг дағаллашуви вулгар модалар, яъни вақтни мазмунсиз ўтказиб, китч-дид²⁰га берилиш билан асослаган. Бу беҳаёлик, зўравонлик, сунъийлик, андозасиз маданият, сохта маънавиятнинг олдини олишда *ижтимоий толерантлик* эҳтиёжининг социодиагностикаси ўтказилди.

Муаллиф томонидан тадқиқотда «Ёшлар» атамасига ювенологик жиҳатидан кенг жабҳада қўлланилган. Ёшлар ўзи ким деган саволга жавоб бериш ва илмий таърифларни келтириш мақсадга мувофиқдир²¹. Ёшлар тушунчаси тадқиқотимиз билан бевосита алоқадор бўлиб, бугунги жамият ёшларининг мақсади, мўлжали, хоҳиш-истаклари, қарашлари, феъл-атвори трансформацияси янги авлод шаклланаётганлигини билдиради.

Жамиятнинг қадриятлар трансформациясида ёшлар толерантлик маданиятининг ҳолат ва хусусиятларининг мамлакатимиз ижтимоий барқарор ривожланишига таъсири бўйича ижтимоий таҳлиллар амалга оширилган. Тадқиқотчи истеъмолчилик жамиятида ёшларнинг ижтимоий маданий ҳаётининг трансформацияси жараёнини мавзу юзасидан аксиологик гуруҳлаштирган:

Биринчидан, «қадрият трансформация»си – халқ маънавиятининг минг йиллик одат ва анъаналарини бадий-эстетик паст савияли сохта маҳсулотлар, қўлбола қийматли предметлар алмашинувига олиб келмоқда;

¹⁸Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Бахтиёр оила – Т.: Hilol-nashr, 2015. – Б.19.

¹⁹Мазкур рўйхатдаги манбалар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

²⁰ Қаранг: «Китч дид» – (нем. Kitsch - сифатсиз, арзон, паст енгил-елпи савияли) Эстетик савияси паст, арзон ва жўн, қўлбола нарса ва буюмларни «модалаштириш»орқали пайдо бўладиган жараёндир.

²¹ Мазкур рўйхатдаги манба диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

Иккинчидан, ёшларда ахборотга бўлган муносабатнинг шиддаткорлиги маънавий-маданий қадриятлар, маданий мерос унутилиб, енгил-елпи, мазмунсиз санъат маҳсулотлари, бозор муносабатлари шароитида таълим-тарбия эҳтиёжининг бойлик, пул истеъмолига ўсиши, маънавий эҳтиёжларнинг пасайиши;

Учинчидан, жамиятнинг ахборотлашуви истемолчи кайфиятидаги ёшларнинг видео-роликларини YouTube, Tik-Tok, Instagram, Telegram, Facebook каби ижтимоий тармоқларга жойлаши билан шахс дахлсизлиги, инсон, оила, жамият, давлат шаъни ва кадр-қимматига жиддий салбий таъсири кузатилмоқда. Уларнинг иерархияси: оила, иш, дўстлар, танишлар, бўш вақт, дин, сиёсат шаклларида тоифаланган.



2-расм. Толерантлик даражалари²².

Диссертант толерантлик маданияти шахснинг бизнес, таълим, бошқарув, ахборот тарқатиш тизимида юксак маънавий-ахлоқий тарбиясига заруриятини тасдиқлади. Чунки, савдо-саноат, молия-банк, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, спорт соҳа транснационал компаниялари фаолиятининг виртуаллашувида ёшларнинг феъл-атворидаги миллий қадриятлардан бегоналашув, худбинлашувга қарши тарбия заруриятидир.

Иккинчи гуруҳ тадқиқотларда замонавий толерантлик тушунчаси фуқароларнинг ижтимоий муносабати, уларнинг миллати, ирқи, насли насаби, маданияти ва урф-одатлари, иқтисодий аҳволи, дини ва эътиқодидан қатъи назар, мувозанатни сақлашда иқтисодий, маънавий, мафкуравий, диний муносабатларга киришишнинг қонун-қоидалари, яъни меъёрий ёндашувини амалга оширган²³.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Маҳалла, оила ва толерантлик маданияти**» ёшларнинг оилавий толерантлик маданиятини ривожлантиришга доир ижтимоий тарихий, маданий омилларнинг таҳлиллари асосида маҳаллада ёшларнинг ижтимоий-демографик ва гендер толерантлигининг ижтимоий хусусиятларига бағишланган.

²²Мазкур рўйхатдаги манба диссертациянинг илова қисмида келтирилган.

²³Мазкур рўйхатдаги манба диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

Замонавий ижтимоий фанларда ёшлар толерантлик маданиятини ривожлантиришга бағрикенглик ёндашувларида ижтимоий-фалсафий умумийлик ва такрорланишларни кузатиш мумкин. Шу маънода муаллифнинг тадқиқоти оилавий тарбиянинг ижтимоий тарихий шаклланган толерантлик маданияти социологик таҳлил қилинган. Ёшларнинг оилавий турмуши, ундаги тарбиявий омилларнинг таҳлили давлат сиёсатини амалий ижросини ҳам таъминлайди.

Тадқиқот ишида ҳар бир оиланинг ўзига хос маънавий муҳити, «жамиятнинг ёруғ юзи, виждон кўзгуси» сифатида ижтимоий ташқи таъсирларни ўзида акс эттиради. Зеро, ёшларга оид давлат сиёсати оилага *умумийлик ва хусусийлик* тамойили ёндашувини талаб этади. Умумийлик деганда, ҳар бир оилага хос фарзандларнинг ижтимоий олами, ахлоқий тартибга одатлантириш, уларда соғлом дунёқараш билан бошланғич оила сабоқларини назарда тутати. Айни вақтда хусусийлик аслида умумийликка таяниб, боланинг миллий-диний ижтимоийлашуви, касбийлашув: меҳнат, этика ва эстетикаси, ижтимоий-маиший хўжалик фаоллигига оид кўникмалардир. Социологик сўровлар оилада маънавий-ахлоқий тарбия даражаси оиланинг серфарзандлик, оиланинг мураккаблиги, бобо ва бувилар каби омиллар билан боғлиқлигини кўрсатди. Бу омиллар оилавий муҳитда касб-хунар ва илм-фанга қизиқиш, ҳуқуқий тарбия, тил ўрганишга рағбат, қизларнинг озиқ-овқат, чеварлик касбий таълим, репититорлик марказларига мурожаати 34-36 %га ўсган. Шу билан бирга, маънавий-ахлоқий тарбияда оила аъзоларининг маълумоти, обрў-эътибори, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги иштироки, давлатнинг оилага ижтимоий ёрдами кабиларни хусусийлик тоифасига киритилди.

Диссертант мамлакатда ёш авлодни салбий одат, иллатлардан ихоталашда «одатлантириш» технологияси ёшларнинг бўш вақтини ташкил қилишда тарбия шакли сифатида илмий муомалага киритишни таклиф этган. Зеро, одат, удум, таомил, ўрганиш, малака маъно-мазмунида оилавий турмушга сингиб кетган хатти-ҳаракатларнинг шахсий, оилавий ва миллий шаклида намоён бўлади²⁴. Ёшларда одат тусига кираётган хатти-ҳаракатлар фазилат ёки иллатга айланиши тарбияда ижобий одатлар рағбати, салбийга қарши туриш таълим-тарбияда *одатлантиришнинг* тартиб интизоми вазибаларини ишлаб чиқиш зарурияти туғилди²⁵.

Толерантлик оилавий муҳитда фарзандларнинг эътиқод-иродасини покловчи аждодлар мероси бўлиб, ахлоқий фазилатларнинг миллий анъана ва қадриятларда меҳнатга, тадбиркорликка ихлос, миллий ғурур туйғуси таълим ва тарбиянинг узвийлик омиларига таянади²⁶. Шу билан бирга, ёшларнинг маънавий-ахлоқий камолотида қариндош-уруғ, маҳалла, мактаб ва меҳнат жамоаларининг ҳамкорлиги ижтимоий муҳит, маданий идеал, мақсад-мўлжал, фикр ва қарашларига таъсир этади. Фарғона водийси вилоятларида умумий

²⁴Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд, – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2007. – Б.86.


²⁵Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. «О» ҳарфи – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2005. – Б. 43.

²⁶Тўрақулов Э., Рахимов С. Абу Райхон Беруний (руҳият ва таълим тарбия ҳақида). – Т.: Ўқитувчи 1992. – Б. 34.

асосда 274дан ортиқ оилалар солиштирма (қиёсий) таҳлили, сўровнома, бевосита кузатиш, анкета ва интервью усулларида ўрганилди.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириши туфайли ўзгача маънавий маданиятнинг «импорти», ота-она, тарбия қадриятларининг сусайиши билан оила ва никоҳга салбий таъсир этмоқда. Натижада, ёлғиз аёл, етим бола, ота-оналарга бефарқлик, шаҳар оилаларида 74 % ёлғиз оналар, шу жумладан 2-3%ида ахлоқий муҳитнинг носозлиги, «ёлғиз аёл», «беникоҳ фарзанд», «чақалоқ савдо»си кабилар ижтимоий инқироз кўрсаткичи сифатида асосланган. Водий шаҳар ва туманларидаги сўровларда 1170 нафар моддий таъминланган зиёли ва тадбиркорлар, савдо-тижорат, маиший хизмат соҳа вакилларида бир фарзандлик, алоҳида ҳолларда икки фарзандли моделни танлаши, қишлоқ ҳудудларида тўрт фарзандли оила модели 32-33 % натижа олинди.

Оилавий толерантлик фуқароларнинг самимий барқарор оилавий никоҳий турмушда мулкӣ ва номулкӣ муносабатларнинг ҳуқуқӣ, маънавий-маърифӣ муҳитдаги комиллик тарбиясидир. Муаллиф ўзбек миллий ҳаётида толерантлик нафақат сабр-тоқат, муросаю-мадора, балки ҳамжихатлик, келишув учун *кечиримлилик* таърифига жуда яқин деб ҳисоблайди. Республикада ўтказилган тадқиқотларга солиштирма (қиёсий) социологик сўровлар асосида оила-никоҳнинг толерантлик даражалари қуйидагича аниқланган:



3-расм. Ёш оилалардаги низоларнинг сабаби?²⁷

Бобо-бувилар мақоми, ижтимоий қиёфасида жиддий этник ўзгаришлар юз беришига муаллиф гувоҳлик беради. Уларнинг ёш негизда ўртача 46-50 ёшгача пасайиш юз бериб, ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқаришдаги фаоллик тарбиявий ишда иштирокини жиддий сусайтирган. Тадқиқот ёшлар орасида никоҳдан ўзини тийиш туфайли никоҳ ёшининг «қариши» билан бирга, расмий никоҳдан тийилиш динамикасини ҳам тасдиқлади. Боз устига, мактаб ўқувчиларининг жинсий ҳаёти, қизлар хомиладорлигининг ўсиши ҳавотирлидир. Сўровларда 45 % оилада моддий ёрдамга муҳтожлик, 7-10 % қашшоқлик сабаби очиқлантирилди. Аҳолининг 8-10 % ота-оналарга меҳроқибатлиликни қўллаб қувватлаши, ижтимоий фаровонликка эришган 2-3 % бой тадбиркор толерантликка майл билдирган. Муаллиф томонидан ёшларнинг ахлоқида ота-оналарнинг масъулияти, айниқса жавобгарлиги ҳалол-поклик *миллий гигиенаси* ҳам ёшларнинг толерантлик маданияти

²⁷Муаллиф томонидан ўтказилган тадқиқот маълумотлари асосида тузилган.

сифатида таҳлил этилган. Оилавий тарбия маҳалла назорати билан уйғунликда боланинг ахлоқида жисмоний ва маънавий покликнинг маърифий уйғонишини таъмин этади. Мазкур фикрга мос ёндашувлар миллий мафкурага оид адабиётларда учрайди²⁸.

Тадқиқотда маҳаллада ёшларнинг ижтимоий-демографик ва гендер толерантлик ахлоқи миллий ғоянинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий муносабатларида ўзаро ҳурмат ва эътибор, ўзгалар ҳақ-ҳуқуқи, эркини ҳурмат қилиш одоби асосланган. Чунки, маҳалла – толерантлик ўчоғи бўлиб, полиэтник ва конфессионал ҳаётда фуқароларнинг миллати ва элати, диний эътиқод ва маросимларга сабр-тоқатлилиқ, фикр ва қарашларига нисбатан хайрихоҳ, ўзини ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ўзгаларга мўътадил ахлоқий фазилатлар шакланидиган маскандир. Маҳаллада ёшлар билан ишлашда янгича механизмларни жорий этиш ва ёшлар етакчиси лавозими ташкил этилди. Жамиятда аҳолининг турли-туманлиги сабабли барчага тенглик ва эркинлик ҳақ-ҳуқуқини таъминлаш учун (демократик) толерантлик тамойили ўта долзарб яшаш маданиятидир. Шу маънода Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг миллат ёшларининг маърифатига «...янги Ренессанс мактаб остонасидан бошланиши» тамойили ҳам тадқиқот услубиятини тасдиқлайди²⁹.

Ёшларнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси миллатнинг жаҳон майдонида обрў-эътиборини миллий хусусият ва фазилатларнинг ривожиди намоён этади. Зеро, гендер тарбияси эркак ва аёлнинг жинсий ўзлигини англаши, жинснинг ижтимоий мақомини сақлаб қолиш орқали жамият ижтимоий тузилмасининг барқарорлигини таъминлаши илмий асосланган. Мусулмон мамлакатларида эркак ва аёлнинг ижтимоий мақоми ва функциялари тарихий-маданий таомиллари замонавий цивилизациянинг жиддий трансформацияси таъсирида ўзгариши ўта нозик толерант жиҳатидир. «Оммавий маданият» минтақа ёшларининг ахлоқида «феминизация ва маскулинизация» каби демографик девиантлик аниқланди. Бу ҳол феминизмнинг аёл ҳуқуқларини ҳимояси ниқобидаги «импорти» ўзбек аёлининг ахлоқида эркак «эмоцияси»га ўтиб, демографик мувозанатда «оғиш» ҳолати юз бермоқда. Аёлларда эркакларча турмуш тарзи, яъни «Томбой» феъл-атвориға трансформация аёл феъл-атвориға шикаст етказди. Масала эркак жинсидан аёл жинсига трансгендернинг ўсиши билан далилланган³⁰.

Феминизация муаммоси бўйича Ямамото Цунэтомо гендер биологияси бўйича эркак ва аёл жинслари ажралиб туришини, аммо, кейинги эллик йилда эркакларнинг юрак уриш тезлиги аёлларникиға ўхшаб кетганини аниқлаган. Тиббий ёндашувда у бемор эркакка аёл кўз дорисининг фойда бергани туфайли эркак руҳиятида юмшоқлашув содир бўлаётганини англаган³¹ ҳолда фавқулудда эркакларда феминизацияси муаммосини «кашф» этди.

²⁸Тарбия 7 [Матн]: дарслик / Ш. Сатторов [ва бошқ.]. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2020. – 120 б.

²⁹Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиға Мурожаати – Т.: Ўзбекистон, 2021. – Б.14.

³⁰Томбой // <https://ru.wikipedia.org/wiki/Томбой> (мурожаат санаси: 14.11.2020)

³¹Цунэтомо Ямамото. Кодекс Бусидо. Хагакурэ. Сокрытое в листве. – Москва: Эксмо, 2004. – С. 31.

Социологик сўровларга кўра эркакларнинг ҳорижий меҳнат сафари ижтимоий муносабатлар тенденциясига салбий таъсир этиб, оилада отанинг фарзанд тарбиясидаги мақом ва функцияси тушиши натижасида аёлнинг тарбия мақоми ошиши ҳисобига фарзанд тарбиясини жиддий издан чиқармоқда. Оилада туғилган фарзанднинг онаси билан бирдамлиги бола гендер табиатида аёл фазилатларини ўзига ола бошлайди, яъни она нима иш қилса фарзанди такрорлайди. Социологик кузатувларда ойна олдида ўзига пардоз-андоз берган онани кўрган ўғил фарзанд кўлига лак (пардоз бўёқ ранг) қўйиб қўйишини сўрайди. Бу ҳолат ўғил болаларнинг эрлик қиёфасида нафислик, латифлик, мулойимлик, заифлашув кабиларнинг қарор топиши билан бошланғич феминизация бошланганлигининг кўрсаткичи ҳисобланади. Маскулинизация қиз болаларда йигитларга хос ҳис-туйғулар, яъни уларнинг ахлоқида кўполлик, совуққонлик, жангарилик, кийиниш одобида эса милитари, кэжуал, гарсон, глэм-рок, готик, гранж, граффити, денди, диффуз, калониал, оверсайз, панк, спорт, тедди-герлз, хипстер каби услубларни оммалашди³². Фарзанд туғилган кундан бошлаб ўз жинсига хос фазилатларнинг шаклланишида кийимнинг ранги ва шакли, ўйинчоққа муносабатида ижтимоий тарбияга аниқлик киритиб олишимиз зарур деб ҳисоблаймиз. Шу боисдан, оилавий тарбияда ўғилнинг тарбиявий муҳити ота, қиз боланики эса она томонидан яратилиши шахснинг гендер толерантлик ахлоқига зарар етказмасликнинг олдини олади. Ҳар қандай жамиятда аёл ва эркакнинг мақоми ва функциясини анъанавий йўлдан оғиши ижтимоий девиант ҳолатидир.

Оилавий ҳаётда миллий қадрият ва анъаналар ёшларнинг толерантлик маданияти учун маънавий асос бўлиб, оиланинг минг йиллик маънавиятини таъминлаган. Шу маънода тадқиқ этилаётган муаммо оилавий ҳаётда ёшларнинг демография ва гендер ҳаётини тартибга солиш билан ижтимоий барқарорлик ва тараққиёт имконини бериши мумкин.

